

**Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
3-6-ИЛОВА**

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ		
1.	Тўлик: «ALFA LIFE INSURANCE» aksiyadorlik jamiyati	
	Қисқартирилган: «ALFA LIFE INSURANCE» AJ	
	Биржа тикерининг номи: -	
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ		
2.	Жойлашган ери: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Азимов ва Махтумқули кўчалари кесишмаси. Индекс: 100047	
	Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Азимов ва Махтумқули кўчалари кесишмаси. Индекс: 100047	
	Электрон почта манзили: alfalife@alfalife.uz	
	Расмий веб-сайти: https://www.alfalife.uz/	
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ		
	Муҳим фактнинг рақами: 06	
	Муҳим фактнинг номи: Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар	
	Умумий йиғилиш тури: йиллик	
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: 13.06.2022 йил	
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: 14.06.2022 йил	
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Азимов ва Махтумқули кўчалари кесишмаси. Индекс: 100047	
	Умумий йиғилиш кворуми: 100%	
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш яқунлари
1.	КУН ТАРТИБИ: 1. Жамият ижроия органининг 2021 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи ҳамда 2022 йил биринчи чорак бўйича чорак ҳисоботини кўриб чиқиш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди
2.	2. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи ҳамда 2022 йил биринчи чорак бўйича чорак ҳисоботини кўриб чиқиш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди
3.	3. Жамиятнинг 2021 йил бўйича йиллик ҳамда 2022 йил биринчи чорак молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини кўриб чиқиш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди
4.	Жамиятнинг 2021 йил бўйича йиллик ҳамда 2022 йил биринчи чорак молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосаларини кўриб чиқиш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди

5	Жамиятнинг 2021 йил бўйича йиллик ҳамда 2022 йил биринчи чорак баланс, шунингдек 2021 йил бўйича йиллик ва 2022 йил биринчи чорак ҳисоботларини тасдиқлаш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди
6	Кузатув кенгаши аъзолари таркибини тасдиқлаш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди
7	Тафтиш комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди
8	Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Бош директор билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди
9	Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди
10	Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятдан олинган фойдани, шунингдек 2022 йил биринчи чорак яқунлари бўйича олинган фойдани тақсимлаш.	Навбатда ташқари ташқари умумий йиғилишда кўриб чиқишга қолдирилди
11	Эълон қилинган акциялар миқдорини кўпайтириш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди
11	Жамиятнинг устав капитали миқдорини кўпайтириш.	Навбатда ташқари ташқари умумий йиғилишда кўриб чиқишга қолдирилди
12	Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги таҳрирда тасдиқлаш.	Навбатда ташқари ташқари умумий йиғилишда кўриб чиқишга қолдирилди
13	Рентабеллик даражаси паст бўлган Асака суғурта марказининг (филиал) фаолиятини тугатиш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорнинг тўлиқ баёни:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, жамият ягона акциядори вакилини ҳамда қатнашчиларни жамият ижроия органининг 2021 йил яқунлари бўйича йиллик ҳамда 2022 йил биринчи чорак бўйича ҳисоботлари билан таништирди ҳамда мазкур ҳисоботларни кўриб чиқиб, маълумот учун қабул қилишни таклиф этди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамият ижроия органининг 2021 йил яқунлари бўйича йиллик ҳамда 2022 йил биринчи чорак бўйича ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин ва мазкур даврлар бўйича ижроия органининг фаолияти ижобий деб топилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ кузатув кенгаши Раиси Абдурахимова Ш.Р. сўзга чиқиб, жамият ягона акциядори вакилини ҳамда қатнашчиларни кузатув кенгашининг 2021 йил яқунлари бўйича йиллик ҳамда 2022 йил биринчи чорак бўйича ҳисоботлари билан таништирди ҳамда мазкур ҳисоботларни кўриб чиқиб, маълумот учун қабул қилишни таклиф этди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳамда 2022 йил биринчи чорак бўйича ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ тафтиш комиссиясининг аъзоси Убайдуллаев У.У. сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил бўйича йиллик ҳамда 2022 йил биринчи чорак молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг хулосаларини тақдим этди ҳамда мазкур хулосаларни кўриб чиқиб, тасдиқлашни таклиф этди.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамиятнинг 2021 йил бўйича йиллик ҳамда 2022 йил биринчи чорак молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил бўйича йиллик ҳисоботи ҳамда 2022 йил биринчи чорак ҳисоботлари «FTF-LEA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган ташқи аудит натижаларига асосан ишончли деб топилганлигини маълум қилди ва мазкур аудиторлик хулосаларини тақдим этди. Шунга асосан жамиятнинг 2021 йил бўйича йиллик ҳисоботи ҳамда 2022 йил биринчи чорак ҳисоботлари бўйича ўтказилган ташқи аудит хулосаларини кўриб чиқиб, тасдиқлашни таклиф этди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамиятнинг 2021 йил бўйича йиллик ҳамда 2022 йил биринчи чорак молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан ўтказилган ташқи аудит хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил бўйича йиллик ҳисоботи ҳамда 2022 йил биринчи чорак ҳисоботлари «FTF-LEA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган ташқи аудит натижаларига асосан ишончли деб топилганлигини маълум қилди ва шунга асосан жамиятнинг 2021 йил бўйича йиллик ҳисоботи ҳамда 2022 йил биринчи чорак ҳисоботларини кўриб чиқиб, тасдиқлашни таклиф этди.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамиятнинг 2021 йил бўйича йиллик ҳамда 2022 йил биринчи чорак ҳисоботлари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ кузатув кенгаши раиси Абдурахимова Ш.Р. сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгаши аъзоларини уч кишидан иборат ҳолда қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлашни таклиф этди:

1. Абдурахимова Шоира Раҳманбековна – кузатув кенгаши раиси
2. Ахметова Инесса Юрьевна – кузатув кенгаши аъзоси
3. Арипов Баходир Насирджанович - кузатув кенгаши аъзоси

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият кузатув кенгаши аъзолари уч кишидан иборат ҳолда қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:

1. Абдурахимова Шоира Раҳманбековна – кузатув кенгаши раиси
2. Ахметова Инесса Юрьевна – кузатув кенгаши аъзоси
3. Арипов Баходир Насирджанович - кузатув кенгаши аъзоси

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ кузатув кенгаши раиси Абдурахимова Ш.Р. сўзга чиқиб, жамият тафтиш комиссияси аъзоларини уч кишидан иборат ҳолда қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлашни таклиф этди:

1. Ким Вера Анатольевна
2. Хусанов Абдулатиф Абдугапуорович
3. Убайдуллаев Улугбек Уткурович

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолари уч кишидан иборат ҳолда қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:

1. Ким Вера Анатольевна
2. Хусанов Абдулатиф Абдугапуорович
3. Убайдуллаев Улугбек Уткурович

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ кузатув кенгаши раиси Абдурахимова Ш.Р. сўзга чиқиб, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Бош директор Н.К.Якубова билан тузилган меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан номуайян муддатга узайтиришни таклиф этди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Бош директор Н.К.Якубова билан тузилган меҳнат шартномаси номуайян муддатга узайтирилсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасини тақдим қилди ва кўриб чиқиб, тасдиқлашни таклиф этди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 3-иловасида суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) учун устав капиталининг минимал миқдорлари белгиланган бўлиб, умумий суғурта ёки ҳаётни суғурта қилиш тармоғида мажбурий суғурта билан шуғулланувчи суғурта ташкилотлари устав капиталининг минимал миқдори 35 000 000 000 (ўттиз беш миллиард) сўм бўлиши лозимлиги белгиланган. Ушбу қарорда 2022 йил 1 июлига қадар суғурта ташкилотлари ўз устав капитали миқдорини белгиланган минимал миқдорга етказишлари лозимлиги кўрсатилган.

Ташқи аудитдан ўтказилган жамиятнинг бухгалтерия хисоботларига кўра жамиятнинг 2021 йил учун соф фойдаси 4 572 788 116.37 сўмни ташкил этади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги

қонуннинг 32-моддасига кўра жамиятда жамият уставида назарда тутилган, аммо унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу миқдор жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Шу сабабли 4 572 788 116,37 сўмдан 5 фоиз (228 639 405,82 сўм) захира фондиди шакллантириш учун йўналтириш лозим. Шундан дивиденд ҳисобланиши мумкин бўлган соф фойда 4 344 148 710,55 сўмни ташкил этади.

2022 йил биринчи чорак учун эса дивиденд ҳисобланиши мумкин бўлган соф фойда 380 719 529,35 сўмни ташкил этган. Ушбу ҳолатда жамиятнинг 2021 йил ҳамда 2022 йил биринчи чорак учун жами дивиденд ҳисобланиши мумкин бўлган соф фойда 4 724 868 239,90 сўмни ташкил этади. Шундан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган дивиденд солиғи ушлаб қолиниб, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ўтказилиши лозим (4 724 868 239,90 - (5%) 236 243 412 = 4 488 624 827,91). Мазкур ҳолатда ягона акциядорга тўланиши мумкин бўлган жами дивиденд миқдори 4 488 624 827,91 сўмни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда жамиятнинг устав капитали миқдори 30 420 000 000 сўмни ташкил этишини, жамият кузатув кенгашининг тавсиясини ҳамда жамиятнинг бир дона оддий номинал акцияси 1 000,00 (бир минг) сўмни ташкил этишини инobatга олиб 4 488 624 000,00 сўм миқдоридаги дивидендларни жамиятнинг устав капитали миқдорини кўпайтиришга йўналтириш ва 827,91 сўм миқдоридаги қолдиқ суммани эса қўшимча равишда жамиятнинг захира фондиди шакллантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Ягона акциядор вакили И.Ю.Ахметова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятдан олинган фойдани, шунингдек 2022 йил биринчи чорак яқунлари бўйича олинган фойдани тақсимлаш масаласи жамиятнинг эълон қилинган акциялар миқдори кўпайтирилганидан сўнг ўтказиладиган жамият акциядорининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. 2021 йил учун ҳисобланган соф фойданинг 5 фоизи - 228 639 405,82 сўм жамиятнинг захира фондиди шакллантиришга йўналтирилсин.
2. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятдан олинган фойдани, шунингдек 2022 йил биринчи чорак яқунлари бўйича олинган фойдани тақсимлаш масаласи жамиятнинг эълон қилинган акциялар миқдори кўпайтирилганидан сўнг ўтказиладиган жамият акциядорининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, жамият устав капитали миқдорини кўпайтириш зарурияти туфайли эълон қилинган акциялар миқдорини кўпайтириш лозимлигини таъкидлади. Шу муносабат билан келгусида ҳам жамият устав капитали миқдорини кўпайтириш зарурияти юзага келиши мумкинлигини инobatга олиб эълон қилинган акциялар миқдорини 50 000 000 донага кўпайтиришни таклиф этди.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамиятнинг эълон қилинган акциялар миқдори 50 000 000 донага кўпайтирилсин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, ҳозирги вақтда жамиятнинг устав капитали миқдори 30 420 000 000 сўмни ташкил этишини инobatга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларини ижро этиш мақсадида 4 488 624 000,00 сўм миқдоридаги ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан ҳамда ягона акциядор томонидан киритиладиган 91 376 000 сўм миқдоридаги пул маблағлари ҳисобидан жамиятнинг устав капитали миқдорини 35 000 000 000 сўмгача кўпайтиришни ҳамда номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 4 580 000 дона кўшимча акциялар жойлаштиришни таклиф этди.

Ягона акциядор вакили И.Ю.Ахметова сўзга чиқиб, жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш масаласи эълон қилинган акциялар мидори кўпайтирилганидан сўнг кўриб чиқилиши мукинлигини маълум қилиб, жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш масаласини жамият акциядорининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қолдирилиши лозимлигини таъкидлади.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш масаласи жамиятнинг эълон қилинган акциялар миқдори кўпайтирилганидан сўнг ўтказиладиган жамият акциядорининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, жамиятнинг эълон қилинган акциялари миқдорини кўпайтириш муносабати билан жамият уставига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш лозимлигини таъкидлади ва жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлашни таклиф этди.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамият уставига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.
2. Жамият устави мазкур қарор иловасига мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.
3. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва кўшимчаларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш жамият Бош директори Н.К.Якубовага юклатилсин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, рентабеллик даражаси паст бўлганлиги сабабли Асака суғурта марказининг (филиал) фаолиятини тугатишни таклиф этди.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича


ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Асака суғурта марказининг (филиал) фаолияти тугатилсин.
2. Асака суғурта марказининг (филиал) фаолиятини тугатиш билан боғлиқ масалаларни ижро этиш жамият Бош директори Н.К.Якубовага юклатилсин.

Бош директор

Бош бухгалтер

Веб-сайтда ахборот
жойлаштирган ваколатли шахс



The image shows a red circular stamp of ALFA LIFE INSURANCE with the text "ALFA LIFE INSURANCE" and "ALFA LIFE INSURANCE" in the center. There are three blue ink signatures over the stamp.

Якубова Н.К.

Камалова Ф.М.

Таиров А.Ш.